



ЭКИНЛАРНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ЯНГИ АГРОТЕХНОЛОГИЯ

Эрматова Дилбархон Ўтановна,
Наимова Зарина
Хурсаналиева Хурсаной
(Фарғона политехника институти)

Аннотация: Мақолада ердан оқилона фойдаланиш мақсадида бир йилда тўрт мартаба ҳосил олишнинг илмий тажрибаларга асосланган янги агротехнологиялари ёритилган. Мақолада алмашлаб экиш ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошириш, экин турини ва ҳосилини кўпайтириш, экинларнинг аҳамияти, экиш муддатлари, экинларни биргаликда парваришлаш ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: қисқа муддатли алмашлаб экиш, тўрт мартаба ҳосил олиш, редиска, картошка, кўк нўхат, ерёнғоқ, сабзавотларнинг аҳамияти, экиш муддати, суғориш, ўғитлаш, юқори ҳосил.

Қишлоқ хўжалиги экинларини қисқа муддатда навбатлаб экиб, ердан тўрт мартаба ҳосил олиш агротехнасининг бир неча усуллари мавжуд. Биринчи экин – редиска. 15 октябрда редисканинг юмалоқ шакли тезпишар редиска уруғлар пушталарга ёки пол олиб сепилади. Бу муддатда экилган редиска халқ таъбири билан айтиладиган “илик узилди”, яъни инсон организми учун витаминлар зарур бўлган вақтига истеъмолга тайёр бўлади

1-жадвал

Экинларни экиш муддатлари ва тавсия этилган навлари

Экинлар номи	Экиш муддати	Ҳосилни йиғиштириш муддати	Тавсия этилган навлар
Редиска	15 октябрдан	1 мартгача	Лола, Майский
Картошка	5 - мартдан	5 июнгача	қувонч - 1665М, Бахро - 30, Санте, Ҳамкор - 1150, Сурхон 1, фермер
ва кўк нўхат биргаликда экилади			20 - майгача



				Сахарный мозговой 6, Жегалова Г - 112
	Ерёнғоқ	10 июндан	Октябрь ойининг охиригача	Қибрай - 4, Тошкент 112, Мумтоз, Саломат

Картошка ва кўк нўхатни биргаликда парваришлаш. Картошка ва нўхатни биргаликда экиш ва парваришлашда деҳқон учун қийинчилик бўлмайди. Эртаги картошка экилганда ҳар бир картошка туганаги ўртасига кўк нўхат уруғи ҳам экиб чиқилади. Эртаги картошка уруғлари униб чиққунча қатқалоқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун 1-2 марта чопиқ ўтказилади. Бу тадбир майсаларнинг тез ва қийғос униб чиқишини таъминлайди. Парваришда асосий талаб картошка тупи атрофини юмшоқ ва бегона ўтлардан тоза ҳолда сақлашдир. Картошка майдонларида чопиқ ўтказишда бегона ўтларни йўқ қилиш билан биргаликда ўсимлик атрофига тупроқ тортилади, натижада иссиқликнинг зарарли таъсири камаяди. Бу экинларни биринчи марта култиватор озиқлантиргичлар ёрдамида майсалар ҳосил бўлгандан кейин гектарига 45-50 кг, иккинчи марта ғунчалаш фазасида 80-85 кг меъёрда азот билан озиқлантирилади. Азотли ўғитлардан аммоний селитраси ва аммоний сульфат қўлланилади. Қатор ораларини ишлаш ва озиқлантиришда KRP 2,8; КОН - 2,8 А култиватор ўғитлагичларидан фойдаланилади. Ҳозирда Голландиянинг “АМАК” трезали култиваторларидан ҳам фойдаланилмоқда. Картошка ва нўхатни суғориш. Суғориш учун эгатлар узунлиги 90-120 м чуқурлиги 18-20 см қилиб олинади, охириги суғориш ҳосил йиғиштиришдан 5-6 кун аввал тўхтатилади. Биргаликда экилган экинларни экишдан - ҳосили йиғиштирилгунча 9-10 марта суғорилади. Картошка туганаклагунча 7-8 кунда бир марта, туганаклагандан кейин 4-5 кунда бир марта суғорилади. Ҳосилни йиғиштириш. Картошка ва нўхат биргаликда экилганида нўхат картошкадан 15 кун аввал пишади. Картошка палаклари сарғайиб, туганакларидаги пўсти қаттиқлашиб, сидирилмайдиган бўлганида йиғиштирилади. Картошка ва нўхат май ойининг охирида ерни бўшатади. Экинларни навбатлаб экишда деҳқонга кўпроқ даромад келтирадиган иссиқсевар экин - ерёнғоқни экиш тавсия қилинади. Тўртинчи экин ерёнғоқ - унумдор, ғовак, яхши ишлов берилган, бегона ўтлар бўлмаган ерларда



етиштирилади. Шўхоқ, ботқоқ, оғир тупроқларга ерёнғоқни экиб бўлмайди. Ерёнғоқни картошка ва нўхатдан кейин экишда ерни иложи борича вақтни ўтказмасдан экиш керак. Ерёнғоқни SPCH – 6А, SUK – 24 ёки чигит экиладиган сеялкаларда қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб экиш мумкин. Экиш меъерини белгилашда бир гектарга 100 - 120 минг дона ўсимлик қолдириш ҳисобга олинади. Уруғ йириклигига қараб экиш меъери 60-80 кг /га бўлиб, уруғ 6-8 см чуқурликка экилади. Ерёнғоқ органик ва маъданли ўғитларга жуда талабчан. Органик ўғитлардан чириган гўнг 15-2 - т/га солиниши яхши натижа беради. Маъданли ўғитларнинг йиллик меъери азот 100-150 кг, фосфор 60-80 кг/га, калий 40-60 кг/га ни ташкил қилади. Фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдашдан олдин, азотли ўғит экиш олдидан берилади. Ўсув даврида суғоришлар сони 4 – 5 мартани ташкил қилади.

Ҳосилни йиғиштириш. Ерёнғоқ ҳосилини пишиши, ўсимликни сарғая бошлаши, дуккакларнинг тўлиши, гинофорларнинг осон узилиши билан белгиланади. Ҳосил AP – 70 русумли ерёнғоқ йиғиштирувчи махсус прицепли машиналар билан ёки кичикроқ майдонларда қўл кучи билан йиғиштирилади. Дастлаб ўсимликнинг илдизлари қирқилади, ўсимлик тупроқдан суғуриб олинади, қоқилади, дасталанади ва машинанинг уч юришида олти қатор янчиладиган қилиб тахланади. Ўсимлик ковлаб олингандан кейин 3-5 кун ўтгач, дуккаклардаги намлик 20-25 % бўлганда ҳосил SK – 5 комбайнлари МА - 1,5 мосламалари билан янчиб олинади. Дуккаклардаги намлик 8 % бўлган ҳолда сақланади. Бир йилда экинларни навбатлашиб ва алмашлаб экиб ҳосил олинган ерларда зараркунандалар, касаллик кўзғатувчилар ва бегона ўтларнинг миқдор зичлиги камайиб, тупроқ унумдорлиги ошади. Тезпишар навлар танланиб, қисқа муддатларда алмашлаб экилганлиги сабабли ҳосилдорлик кўпаяди. Туганак бактериялар иштирокида синтез бўлган оқсил, юқори сифатли бўлиб, экологик тоза озиқ – овқат ва ем- хашак маҳсулотлари тайёрлашда аҳамияти катта. Бундан ташқари ҳаво таркибидаги азотнинг биологик усулда ўзлаштирилиши атроф – муҳит, сизот сувлари ва сув ҳавзаларини нитратлар билан ифлосланишининг олдини олади, экологик муаммоларни ижобий ҳал қилишда имкон беради. Микроорганизмлар, бактериялар ёрдамида биологик азотнинг ўзлаштирилиши азотли ўғитларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган сарф – харажатларни тежайди.



ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Сабзавот экинлари етиштириш технологияси. (маъруза матнлари Тошкент) 2002. 51-52-55, 65 бетлар.
2. Турсунов С. Ўсимликшунослик. 284 - 286 бетлар. Тошкент “Ijod - press” 2019 й.
3. Маматожиёв Ш. Эрматова Д. Эргашева Д. “Қисқа муддатли алмашлаб экиш” дастури №DGU 09971. Тошкент 13.01.2021
4. Эрматова Д. Эргашева Д. “Томорқада экинларни зичлаштириб экиш услубий қўлланма”. № DGU 11061. Тошкент 18.05.2021.
5. Сулаймонов, О. Н., Аскарлов, Х. Х., & Йигиталиев, Д. Т. (2020). Влияние детонационной обработки на биологическую активность почв, рост, развитие и плодоношение хлопчатника. In *Мелиорация как драйвер модернизации АПК в условиях изменения климата* (pp. 161-166).
6. Сулаймонов, О. Н., Аскарлов, Х. Х., & Йигиталиев, Д. Т. (2019). Влияние детонационной обработки на свойства орошаемых луговых сазовых почв и урожайность хлопчатника. *Актуальная наука*, (11), 78-90.
7. Olimjonovich, I. O., & Yigitaliev, D. T. O. (2020). The protein problem and some of its solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 426-432.
8. Сулаймонов, О. Н., Аскарлов, Х. Х., & Йигиталиев, Д. Т. У. (2020). Способы обработки почв в целях борьбы с образованием поверхностной корки. *Universum: химия и биология*, (7 (73)), 12-16.
9. Ogli, Y. D. T., & Qizi, M. G. U. (2022). Growth, development and yield of soya varieties in medium salty soils. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 1337-1340.
10. Growth, development and yield of soya varieties in medium salty soils
11. Yusupaliyevich, I. B. (2021). Growth, Development and Productivity of Shade Varieties in Medium Salt Soils. *International Journal on Orange Technologies*, 3(6), 85-88.